

# БИМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ БИМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

ТОМ 8, НОМЕР 1

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

VOLUME 8, ISSUE 1



## Бош муҳаррир:

**Ризаев Жасур Алимжанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори  
**ORCID ID:** 0000-0001-5468-9403

## Бош муҳаррир ўринбосари:

**Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, Самарқанд давлат тиббиёт  
университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича  
проректори, **ORCID ID:** 0000-0002-9309-3933

## Масъул котиб:

**Самиева Гулноза Уткуровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент,  
Самарқанд давлат тиббиёт университети  
**ORCID ID:** 0000-0002-6142-7054

## Нашр учун масъул:

**Шаханова Шахноза Шавкатовна**  
PhD, Самарқанд давлат тиббиёт университети,  
онкология кафедраси  
**ORCID ID:** 0000-0003-0888-9150

## ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ:

### Арипова Тамара Уктамовна

*Иммунология ва инсон геномикаси институти директори –  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар академияси академиги*

### Jin Young Choi

*Сеул миллий университети Стоматология мактаби оғиз ва  
юз-жағ жарроҳлиги департаменти профессори, Жанубий  
Кореянинг юз-жағ ва эстетик жарроҳлик ассоциацияси  
президенти*

### Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна

*тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд  
давлат тиббиёт университети проректори, 1-клиникаси бош  
врачи. **ORCID ID:** 0000-0002-7529-4248*

### Худоярова Дилдора Рахимовна

*тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат  
тиббиёт университети №1-сон Акушерлик ва гинекология  
кафедраси мудири  
**ORCID ID:** 0000-0001-5770-2255*

### Орипов Фирдавс Суръатович

*тиббиёт фанлари доктори, доцент, Самарқанд давлат  
тиббиёт университети Гистология, цитология ва  
эмбриология кафедраси мудири  
**ORCID ID:** 0000-0002-0615-0144*

### Мавлянов Фарход Шавкатович

*тиббиёт фанлари доктори, Самарқанд давлат тиббиёт  
университети болалар жарроҳлиги кафедраси доценти  
**ORCID ID:** 0000-0003-2650-4445*

### Акбаров Миршавкат Миролимович

*тиббиёт фанлари доктори, В.Ваҳидов номидаги  
Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази*

### Саидов Саидамир Аброрович

*тиббиёт фанлар доктори,  
Тошкент фармацевтика институти  
**ORCID ID:** 0000-0002-6616-5428*

### Бабалжанов Ойбек Абдужаббарович

*тиббиёт фанлари доктори, Тошкент педиатрия  
тиббиёт институти, Тери-таносил, болалар  
тери-таносил касалликлари ва ОИТС  
**ORCID ID:** 0000-0002-3022-916X*

### Теребаев Билим Алдамуратович

*тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент  
педиатрия тиббиёт институти Факультет болалар  
хирургия кафедраси. **ORCID ID:** 0000-0002-5409-4327*

### Юлдашев Ботир Ахматович

*тиббиёт фанлари номзоди,  
Самарқанд давлат тиббиёт университети  
№2-сон Педиатрия, неонатология ва болалар  
касаликлари пропедевтикаси кафедраси доценти.  
**ORCID ID:** 0000-0003-2442-1523*

### Ибрагимова Малика Худайбергеновна

*тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Тошкент давлат стоматология институти  
**ORCID ID:** 0000-0002-9235-1742*

### Рахимов Нодир Махамматкулович

*тиббиёт фанлари доктори, Самарқанд давлат  
тиббиёт университети, онкология кафедраси доценти  
**ORCID ID:** 0000-0001-5272-5503*

## Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

### Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

### Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

OBSTETRICS AND GYNECOLOGY

1. **Khasanova A. Dilafruz**  
ANEMIA IN PREGNANT WOMEN WITH RHEUMATOID ARTHRITIS.....9
2. **Yuldasheva I. Farangiz, Samiyeva U. Gulnoza, Zakirova I. Nodira**  
TREATMENT OF VAGINAL DYSBIOTIC DISORDERS IN PREGNANT WOMEN  
BEFORE CHILDBIRTH.....17

PEDIATRIC SURGERY

3. **Chuliev S. Matyakub, Tilavov Kh. Uktam, Terebaev A. Bilim, Narbaev T. Temur, Khotamov N. Khusniddin**  
TYPES, CAUSES, SYMPTOMS AND TREATMENT PRINCIPLES OF PRIMARY  
COMPLICATED SKIN AND SOFT TISSUE INFECTIONS.....23
4. **Yusupov A. Shuxrat, Xakimova R. Leyla**  
EPIDEMIOLOGY AND RISK FACTORS FOR UROLITHIASIS IN CHILDREN.....30

INFECTIOUS DISEASES

5. **Eshboev H. Egamberdi, Mamov S. Otabek, Djumaev D. Normurod, Abduvakhitova N. Indira, Toxtayev Sh. Gayratillo**  
THE SOLUTION OF MODERN PROBLEMS ON THE ETIOLOGY OF  
DERMATOMYCOSIS AND LABORATORY DIAGNOSTIC METHODS.....38
6. **Turaev T. Bobor, Ochilov U. Ulugbek, Turgunboev U. Anvar, Kubaev M. Rustam**  
CLINICAL AND LABORATORY CHANGES IN THE LIVER AFTER CONDUCTING  
COVID-19 IN PATIENTS WITH ALCOHOLISM.....47
7. **Yarmukhamedova A. Nargiza, Rakhimova Sh. Visola, Egamova N. Intizor**  
CLINICAL AND IMMUNOLOGICAL ASPECTS OF CO-INFECTION WITH HIV AND  
VIRAL HEPATITIS C.....52
8. **Yarmuhamedova Q. Mahbuba, Ergasheva Y. Munisa, Quchkarova A. Shirina**  
SCREENING OF HUMORAL IMMUNE RESPONSE ON THE FREQUENCY OF  
DETECTION OF SPECIFIC ANTIBODIES TO TORCH-INFECTIONS OF THE  
POPULATION OF SAMARKAND REGION.....60
9. **Karimova A. Maqsuda, Ibrahimova R. Hamida, Asatova B. Nafisa**  
STUDY OF CHANGES IN THE MICROBIOLOGICAL LANDSCAPE OF THE COLON  
UNDER THE INFLUENCE OF A GENE-MODIFIED PRODUCTS.....66

MORPHOLOGY

10. **Akhmedova M. Sayora, Masharipova K. Khulkar**  
TOPOGRAPHY BILIARY TRACT OF CHILDREN OF DIFFERENT AGE.....74
11. **Akhmedov I. Adkham, Fayazov Dj. Abdulaziz**  
SOME MORPHOFUNCTIONAL CHANGES OF THE DUODENAL GLANDS IN  
THERMAL INJURY.....85
12. **Blinova A. Sofya, Oripov S. Firdavs, Yuldasheva B. Nilufar, Hotamova B. Gulzoda**  
RECONSTRUCTION OF PULMONARY BLOOD VESSELS IN INFLAMMATORY  
PATHOLOGY.....89
13. **Fayazov Dj. Abdulaziz, Akhmedov I. Adkham**  
MORPHOLOGY OF DUODENAL STRUCTURES CONTAINING STRESS  
MONOAMINES IN EXPERIMENTAL THERMAL INJURY.....93

# БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ | JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

**AKHMEDOVA Sayyora Mukhamadovna**


Tashkent Medical Academy

**MASHARIPOVA Khulkar Kabulovna**

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy

### TOPOGRAPHY BILIARY TRACT OF CHILDREN OF DIFFERENT AGE

For citation: Akhmedova M.Sayyora, Masharipova K.Khulkar. TOPOGRAPHY BILIARY TRACT OF CHILDREN OF DIFFERENT AGE// Journal of Biomedicine and Practice. 2023, vol. 8, issue 1, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

#### ANNOTATION

Age-related changes in the topography of the ducts concerned the length, diameter, depth, the number of branches and the severity of anastomoses between segmental branches and between the lobar ducts. The diameter of the common hepatic duct ranged from 1.1 mm to 5.0 mm, the right hepatic duct from 0.87 mm to 3.06 mm, and the left hepatic duct from 0.89 mm to 3.03 mm in different age groups. The length of the total hepatic duct is from 4.5 mm to 35.8 mm. When considering the angles of incidence between the common hepatic and left and right ducts varies. The results showed that in children of all age groups the formation of the common hepatic duct is variable; 2 to 5 intrahepatic ducts take part in its formation, while the number of ducts coming from the right lobe of the liver prevails.

**Key words:** hepatic ducts, liver, postnatal ontogenesis

**АХМЕДОВА Сайёра Мухамадовна**

Тошкент тиббиёт академияси

**МАШАРИПОВА Хулкар Кабуловна**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

### ТУРЛИ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЎТ ЙЎЛЛАРИНИ ТОПОГРАФИЯСИ

#### АННОТАЦИЯ

Ўт йўлларининг диаметри, унинг ҳосил бўлиши, шохларининг сони, жигарўт йўллари ва сегментар йўлларнинг орасидаги анастомозлар ёшга қараб ўзгариши аниқланди. Умумий жигар йўлининг диаметри биз ўрганган ҳар хил ёшдаги болаларда 1,1 ммдан 5,0 ммгача, ўнг жигар йўлининг диаметри эса 0,87 дан 3,06 гача, чап жигар йўли 0,89 мм дан 3,03 гача эканлиги аниқлади. Бу вақтда умумий жигар йўлининг узунлиги 4,5 ммдан 35,8 мм гачани ташкил қилди. Чап ва ўнг жигар йўлларининг умумий жигар йўли ҳосил қилишидаги бурчаги ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Олинган натижаларнинг ҳулосасига кўра, ўрганилган ҳамма ёшдаги болаларнинг умумий ўт йўлининг шаклланиши турлича бўлиб, унинг асосида 2-4 жигар ичи йўллари иштирок этиб, жигарнинг ўнг бўлагидан чикувчи йўл устунликга эга.

**Калит сўзлар:** жигар ўт йўллари, жигар, эрта постнатал онтогенез

**АХМЕДОВА Сайёра Мухамадовна**  
Ташкентская Медицинская Академия  
**МАШАРИПОВА Хулкар Кабуловна**

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

## ТОПОГРАФИЯ ЖЕЛЧНЫХ ПУТЕЙ У ДЕТЕЙ РАЗНОГО ВОЗРАСТА

### АННОТАЦИЯ

Возрастные изменения топографии протоков касались длины, диаметра, глубины залегания, количества ветвей и выраженности анастомозов между сегментарными ветвями и между долевыми протоками. Диаметр общего печеночного протока колебался от 1,1 мм до 5,0 мм, правого печеночного протока от 0,87 мм до 3,06 мм, а левого печеночного протока от 0,89 мм до 3,03 мм в разных возрастных группах. При этом длина объёго печеночного протока составляет от 4,5 мм до 35,8 мм. При рассмотрении углов впадения между общим печеночным и левыми и правыми протоками варьирует. Полученные результаты показали, что у детей всех возрастных групп формирование общего печеночного протока вариабельно; в его образовании принимают участие от 2 до 5 внутривенечных протоков, при этом количество протоков, идущих от правой доли печени преобладает.

**Ключевые слова:** печеночные протоки, печень, постнатальный онтогенез

**Долзарблиги:** Охирги ўн йилларда ўт йўлларининг жарроҳлик касалликлари жадал ривожланиши, билиар тизимнинг топографик анатомиясини ўрганишга талабни янада оширди [2]. Жарроҳлик амалиётига диагностика ва даволаш мақсадида янги замонавий, инновацион усуллар тадқиқ қилиниши қорин бўшлиғи аъзолари топографиясини янада мукамалроқ ўрганишни талаб қилмоқда [1,4]. Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда ўт йўлларининг касалликлари ёшларни орасида ҳам кўпайиб бормоқда [5,6]. Бу эса ўз навбатида жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари анатомиясини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади [3,7,8]. Аммо бугунги кундаги хорижий ва маҳаллий адабиётларда қорин бўшлиғи аъзоларининг анатомиясини ёшга қараб ўзгариши ва уларнинг топографиясига бағишланган тадқиқотлар етарли эмас. Адабиётлардаги маълумотлар замонавий жарроҳлик талабларини тўлиқ қондирмайди. Хозиргача илмий адабиётларда болаларнинг ўт йўлларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши уларнинг ёшга ҳос хусусиятлари каби қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Адабиётларда жигаричи ўт йўлларининг жигар дарвозаси соҳасида кўшилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Лекин жигар ичи ўт йўлларининг эрта постнатал онтогенез даврида ёшга қараб ўзгариши ечилмаган муаммо бўлиб хисобланади. Шунингдек, болаларнинг жигар ичи ва ташқарисидаги ўт йўлларининг ёшга ҳос морфометрияси етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги туғилган чақалоқлар, болалар ва ўсмирлардаги болаларнинг жигари, ўт пуфаги ва ўт йўллари тузилиши, шаклланишидаги ўзига ҳослик ва морфологик хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқот материал сифатида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Хоразм филиалида жигар, ўт йўллари ва овқат ҳазм қилиш тизими патологиялари билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этган ҳар-хил ёшдаги 155 нафар болаларнинг мурдасидан олинган жигар, ўт пуфаги ва ўт йўлларида фойдаланилди. Уларни янги туғилган чақалоқлардан 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилди. Болаларни 89 нафари ўғил болалар ва 66 нафари қиз болалар бўлиб, 6 гуруҳга ажратилди.

Тадқиқотни клиник қисми Хоразм вилоятида яшовчи 52 нафар турли ёшдаги болаларнинг магнит резонанс томография, 10 нафар бола УТ текшируви орқали жигар ва ўт йўлларида шубҳа қилинган, лекин патологик ҳолатлар аниқланмаган болаларнинг жигар ва ўт пуфагини ўрганилди. Ўрганиш учун янги туғилган чақалоқлардан 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилди, уларнинг вазни 2,7 кг дан 62 кггачани ташкил қилди. Препаратларни

морфологик ўрганиш учун мурдадан олинган жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари макроскопик ўрганилди ва препаратлар тайёрланди.

Морфометрик тадқиқотларда жигарнинг умумий анатомик ўлчамлари - баландлиги, кенглиги, олдинги ва орқа ўлчамларини ўлчашдан бошланди. Жигар шакли висцерал юза - овал, учбурчак ва тўртбурчаклар контурлари билан аниқланди.

Жигар дарвозасининг узунлиги, кенглиги, чуқурлиги, шунингдек жигарнинг олд ва орқа кирраларига нисбатан жойлашиши ўлчанди. Ўт пуфагининг узунлиги, кенглиги ва жигардан ташқарида жойлашган ўт йўлларининг узунлиги ва диаметри ҳар бир ёш гуруҳларида ўлчанди. Уларнинг тармоқланишидаги ўзига хослик ўрганилди.

Барча ўрганилган болаларнинг жигар, ўт йўллари ва овқат ҳазм қилиш тизимида патологияси мавжуд бўлмаган соғлом болалар тадқиқотга жалб қилинган.

Кузатувларимиз жараёнида 2 нафар қиз болада овқат ҳазм қилиш тизимининг туғма нуқсонлари кузатилди.

Барча морфометрик ўлчовлардан сўнг жигар ичи ўт йўлларининг тармоқланишини ўрганиш мақсадида контрастли рентгенография усулидан фойдаланилди (1- расмга қаранг). Жигар ичи ўт йўлларини скипидар билан 1/1 нисбатда аралаштирилган қўрғошинни яшил ёғли бўёғи юборилиб рентгенография қилиб ўрганилди. Жигар ичи ўт йўлларининг кенглиги, тармоқланишидаги ўзига хослик, умумий жигар йўли, бўлак ўт йўллари ҳосил бўлиши, уларнинг ёшга хос хусусиятлари ўрганилди. Жигардан ташқари ўт йўллари ва жигар ичи ўт йўлларини ўрганишда бинокуляр микроскопдан фойдаланилди. Жигар ичи ўт йўлларини ўрганиш висцерал юзадан бошланди ва скальпел ёрдамида жигар паренхимаси кесиб ўт йўлларининг тармоқланиши ўрганилди. МРТ текшируви магнит резонанс томограф Philips Intern ACS-NT 1,5 T аппаратида ўтказилган.

УТТ текширувида болалар наҳорда оч қоринга ўтказилди. МРТ усулида жигарнинг ва ўт пуфагининг анатомик ўлчамлари олинди. Жигарнинг қуйидаги ўлчамлари баландлиги, кенглиги ва олдинги орқа ўлчами ўлчанди. УТ текшируви ёрдамида ўт пуфагининг жойлашиши, шакли, узунлиги, тана ва бўйин соҳасининг кенглиги аниқланди. Ҳар бир текширилган боланинг таҳлили махсус ишлаб чиқилган баённомага ёзилди.

Барча морфологик ва клиник тадқиқотлар материаллари статистик равишда Microsoft Office Excel 2007 компьютер дастури ёрдамида қайта ишланди.

Тадқиқотлар таҳлили бола туғилганидан ўсмирлик ёшигача жигарининг шакли, ўлчамларини ёшга қараб турлича ўзгаришларга учраши мумкинлигини кўрсатди. Янги туғилган ўғил болаларда жигарнинг ўртача вазни тана вазнининг 5,2% га тенг бўлиб, қиз болаларда ва ўғил болаларда деярли фарқ қилмади. Боланинг ёши ўсган сари аста-секин жигарнинг ўсиш темпи тана вазнига нисбатан секинлашади. Эмизикли даврда жигарнинг ўртача вазни тананинг 4,5 % га, эрта болалик даврида 3,8 % ни, биринчи болалик даврида 3,5 % ни, иккинчи болалик даврида 3 % ташкил қилади.

Ўсмирлик даврида жигарнинг вазни тана вазнининг 2,7 % ташкил қилиши аниқланди. Қиз болаларда эса бу нисбат қуйидагича ўзгарди янги туғилган чақалоқларда 4,9%, эмизикли даврда жигарнинг ўртача вазни тананинг 4 % га, эрта болалик даврида 3,3 % ни, биринчи болалик даврида 3,4 % ни, иккинчи болалик ва ўсмирлик даврида 2,9 % ташкил қилди.

Жарроҳлик муолажалари ўтказилаётганда жигар дарвозасининг шакли, унда жойлашган ҳосилаларнинг ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Жигар дарвозасини топографияси жигарнинг шаклига, унинг ўлчамларига ва одамнинг ёшига боғлиқ равишда ўзгаради. Жигар дарвозасининг топографияси жигар қон томирларининг тармоқланиши, жигарни ичида ўт йўлларининг шаклланиш ҳолатидан дарак беради. Болаларда жигар дарвозаси жигарнинг висцерал юзасининг ўртасида, олдинги ёки орқа қирғоқга яқинроқ жойлашиши мумкин. Жигарнинг дарвозасини ҳолати кузатилган ўғил болаларда 42 % ҳолатда, қиз болаларда 38% ҳолатда дарвоза жигар кенглигининг ўртасида жойлашганлиги аниқланди. Жигар дарвозасининг орқа қирғоғига яқин ҳолати ўғил болаларда 36%, қиз болаларда 19% ҳолатда аниқланди. Жигар дарвозасининг олдинги қирғоғига яқин жойлашиши 22% ҳолатда ўғил болаларда, қиз болаларда 43% ҳолатда кузатилди.

Янги туғилган ва эмизикли даврдаги болаларнинг жигар дарвозасининг ёпиқ тури кўпроқ учрайди. Бизнинг кузатувларимизнинг 71% ҳолатида янги туғилган қиз болаларда, ўғил болаларнинг 67%ида жигар дарвозасининг ёпиқ тури кузатилди. Жигар дарвозасининг ёпиқ тури ўз навбатида жарроҳлик амалиётини ўтказишга қийинчилик туғдиради. Жигарнинг ўлчамларини катталашиши билан жигарнинг дарвозасини топографияси ҳам марказга силжиши билан ўзгарди. Биринчи болалик даврига келиб жигарнинг дарвозаси жигарнинг марказига тўғри келди. Ўсмирлик даврига келиб жигарнинг дарвозаси олдинги қирғоқдан 7,1 орқа қирғоқдан эса 7,3 см узоқликда жойлашади. Болаларда жигар дарвозаси жигарнинг висцерал юзасининг ўртасида, ёки олдинги ёки орқа қирғоқга яқинроқ жойлашиши мумкин.

Жигарнинг анатомик кўрсаткичлари ёшга қараб ўзгариб боради (2 -3 расмларга қаранг). Янги туғилган ўғил болаларда жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг ўртача кўрсаткичлари  $60 \pm 1,3$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $40,3 \pm 0,8$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $27,8 \pm 0,7$  мм ва  $20,2 \pm 0,4$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $48,5 \pm 1,1$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $22,3 \pm 1,3$  мм га тенглиги аниқланди. Янги туғилган қиз болаларда жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг ўртача кўрсаткичлари  $57 \pm 0,8$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $36,5 \pm 0,4$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $23,2 \pm 0,5$  мм ва  $15,3 \pm 0,9$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $43,3 \pm 0,8$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $18,3 \pm 1,1$  мм га тенглиги аниқланди. Янги туғилган болаларнинг жигарининг ўнг ва чап бўлагининг ўлчамлари бир-бирига яқин эканлиги аниқланди.

Эмизикли даврданоқ болаларда ўнг бўлақнинг чап бўлақга нисбатан кўпроқ катталашиши кузатилди. Бу даврда ўғил болаларнинг жигарининг ўлчамлари янги туғилган болаларникига қараганда ўнг бўлагининг баландлиги ва кенглиги 13% га, олдинги орқа ўлчамини 5% га катталашиши кузатилди, чап бўлагини ўлчамлари эса баландлиги 5%, кенглиги 9% ва олдинги орқа ўлчамини 10%га катталашиши кузатилди. Қиз болаларда эса жигарининг ўлчамлари бу даврда янги туғилган болаларникига қараганда ўнг бўлагининг баландлиги 12% га, кенглиги 17%, олдинги орқа ўлчамини 7% га катталашиши кузатилди, чап бўлагини ўлчамлари эса баландлиги 5%, кенглиги 15% ва олдинги орқа ўлчамини 9%га катталашиши кузатилди. Бу даврда ўғил болаларда жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг ўртача кўрсаткичлари  $68 \pm 0,3$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $42,7 \pm 1,2$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $30,8 \pm 1,1$  мм ва  $21,9 \pm 1,8$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $51,3 \pm 0,6$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $24,7 \pm 0,7$  мм га тенглиги аниқланди. Эмизикли даврда қиз болаларда жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг ўртача кўрсаткичлари  $64,3 \pm 1,1$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $38,4 \pm 1,2$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $27,2 \pm 0,5$  мм ва  $17,3 \pm 0,9$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $46,7 \pm 0,8$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $20,1 \pm 0,5$  мм га тенглиги аниқланди.

Эрта болалик даврида жигарнинг ўлчамларини эмизикли даврдагига нисбатан жадал катталашиши кузатилди. Бу ёшдаги ўғил болаларда жигарнинг ўнг бўлагининг баландлиги олдинги даврдагига қараганда 17% катталашиб ўртача  $79,7 \pm 1,9$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса 6% кўпайди ва ўртача  $42,7 \pm 0,9$  ммга тенг бўлди. Ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса 34 ва 10 % га катталашди ва мос равишда ўлчами -  $41,5 \pm 1,2$  мм ва  $24,3 \pm 1,8$  мм ташкил қилди. Жигарнинг ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $59,8 \pm 1,2$  мм ва чап бўлаги  $28,9 \pm 1,5$  мм га тенг бўлиб, ўсиш темпи 16 ва 17% қайд қилди. Бу даврдаги қиз болаларда жигарнинг ўнг бўлагининг баландлиги олдинги даврдагига қараганда 12% катталашиб ўртача  $72,3 \pm 0,4$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса 7% кўпайди ва ўртача  $41,3 \pm 0,5$  ммга тенг бўлди. Ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса 33 ва 21 % га катталашди ва мос равишда ўлчами ўртача  $36,3 \pm 1,0$  мм ва  $21,1 \pm 0,5$  мм ташкил қилди. Жигарнинг ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $53 \pm 1,2$  мм ва чап бўлаги  $25,2 \pm 1,5$  мм га тенг бўлиб, ўсиш темпи 13 ва 25% қайд қилди.

Биринчи болалик даврида жигарнинг ўлчамлари олдинги ёшга нисбатан унчалик кўп ўзгармади. Жигарнинг ўнг бўлаги баландлиги ўртача 5,6 ммга, чап бўлагининг баландлиги эса 5,7 ммга, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса 7,8 ва 4,3 ммга ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача 6 мм ва чап бўлагига бу ўлчам 4,8 ммга катталашгани аниқланди. Бу

даврда ўғил болаларда жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг ўртача  $87,2 \pm 0,8$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $51,2 \pm 1,2$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $49,3 \pm 0,9$  мм ва  $28,6 \pm 0,4$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $65,8 \pm 0,06$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $33,7 \pm 0,8$  мм га тенглиги аниқланди. Қиз болаларда болаликнинг бу даврида жигарнинг ўнг бўлаги баландлиги ўртача  $11,8$  ммга, чап бўлагининг баландлиги эса  $4,9$  ммга, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса  $8,8$  ва  $4,1$  ммга ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $9,4$  мм ва чап бўлаги да бу ўлчам  $4,3$  ммга катталашгани аниқланди. Қиз болаларда бу кўрсаткичлар ўртача қуйидагини ташкил қилди жигарнинг ўнг бўлақлари баландлигининг -  $84,1 \pm 0,2$  мм, чап бўлаги эса ўртача  $46,2 \pm 1,3$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса мос равишда  $45,1 \pm 0,3$  мм ва  $25,2 \pm 0,4$  мм ва олдинги ва орқа ўлчами  $62,4 \pm 0,6$  мм ўнг бўлаги ва чап бўлаги  $29,5 \pm 1,2$  мм га тенглиги аниқланди.

Иккинчи болалик даврида жигарнинг ўлчамлари олдинги ёшга нисбатан ишончли ўзгаришлар кузатилди ва бу ўлчамлар қуйидагича ўзгарди: Бу ўзгариш айниқса қиз болаларда яққол акс этди. Жигарнинг ўнг бўлаги баландлиги ўғил болаларда ўртача  $97,9 \pm 2,3$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса ўртача  $55,3 \pm 0,9$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса  $56,2 \pm 1,8$  мм ва  $34,5 \pm 1,1$  мм ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $78,0 \pm 0,2$  мм ва чап бўлаги  $38,3 \pm 2,2$  мм га тенг бўлди. Қиз болаларда эса жигарнинг ўнг бўлаги баландлиги ўртача  $98,3 \pm 2,3$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса ўртача  $56,7 \pm 0,9$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса  $53,6 \pm 1,8$  мм ва  $30,1 \pm 1,1$  мм ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $72,3 \pm 0,2$  мм ва чап бўлаги  $36,2 \pm 2,2$  мм га тенг бўлди. Болаликнинг бу даврида жигарнинг ўнг бўлагининг баландлиги ўғил болаларда  $12\%$  га, чап бўлагининг баландлиги эса  $8\%$  га ўсди, кенглиги эса ўнг бўлақда  $13\%$  га  $20\%$  чап бўлаги катталашди. Олдинги орқа бўлақ эса ўнг бўлақда  $18\%$  га чап бўлақ эса  $13\%$  га ошганлиги аниқланди. Қиз болаларда эса ўнг бўлагининг баландлиги  $16\%$  га, чап бўлагининг баландлиги эса  $22\%$  га ўсди, кенглиги эса ўнг бўлақда  $18\%$  га  $19\%$  чап бўлаги, олдинги орқа бўлақ эса ўнг бўлақда  $15\%$  га чап бўлақ эса  $22\%$  га ошганлиги кузатилди.

Ўсмирлик даврида жигарнинг ўлчамлари олдинги ёшга нисбатан ишончли ўзгариши кузатилди. Ўсмирлик давридаги ўғил болалар жигари ўнг бўлагининг баландлиги ўртача  $131,3 \pm 3,9$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса ўртача  $71,5 \pm 2,2$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса  $72,5 \pm 1,2$  мм ва  $43,5 \pm 1,4$  мм ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $98 \pm 1,2$  мм ва чап бўлаги  $45,3 \pm 1,2$  мм га тенгли аниқланди (1 ва 2 - расмга қаранг). Болаликнинг бу даврида жигарнинг ўнг бўлагининг баландлиги ўғил болаларда  $34\%$  га, чап бўлагининг баландлиги эса  $29\%$  га ўсди, кенглиги эса ўнг бўлақда  $29\%$  га  $26\%$  чап бўлаги катталашди. Олдинги орқа бўлақ эса ўнг бўлақда  $25\%$  га чап бўлақ эса  $18\%$  га ошганлиги аниқланди. Бу даврда жигарнинг ўлчамлари қиз болаларда қуйидагича ўзгарди. Жигарнинг ўнг бўлаги баландлиги ўртача  $125,3 \pm 1,5$  мм, чап бўлагининг баландлиги эса ўртача  $69,2 \pm 1,1$  мм, ўнг ва чап бўлақларнинг кенглиги эса  $65,1 \pm 1,3$  мм ва  $37,4 \pm 0,5$  мм ва ўнг бўлагининг олдинги ва орқа ўлчами ўртача  $87,7 \pm 0,8$  мм ва чап бўлаги  $40,3 \pm 0,6$  мм га тенг бўлди. Бу даврда олдинги даврга нисбатан солиштирилганида жигарнинг баландлиги ўнг бўлақда  $27\%$  га, чап бўлақда эса  $22\%$  га ошганлиги, кенглиги эса мос равишда  $21$  ва  $24\%$  ларга ошганлиги, олдинги ва орқа ўлчами ўнг ва чап бўлақларда  $21$  ва  $11\%$  га ошганлиги қайд этилди.


Жигар дарвозасининг турини баҳолаганимизда кузатувларимизнинг натижалари  $55$  нафар ўғил боладан  $32(64\%)$  нафар болаларда жигар дарвозасининг очик тури,  $16(32\%)$  нафарида аралаш тури ва  $2(4\%)$  нафарида ёпиқ тури учради.

Қиз болаларда эса ёпиқ тури ўғил болаларга нисбатан кўпроқ, яъни жами  $45$  нафар қиз болалардан  $6(13,3\%)$  нафарида ёпиқ тури,  $27(60\%)$  нафарида очик тури,  $12(26,6\%)$  нафарида жигар дарвозасининг аралаш тури учради.


Жигар дарвозасининг турига қараб дарвозанинг узунлиги, кенглиги ва чуқурлиги ҳам ўзгаради. Жигар дарвозасининг очик турида дарвоза венасининг ўлчамлари, жигар артериясини ва ўт йўллариининг ўлчамлари каттароқ бўлиб, бу ўша соҳада ўтказилаётган жарроҳлик амалиётига қулай шароит яратади. Жигар дарвозасининг ёпиқ турида эса дарвоза



венасининг узунлиги, жигар артерияси ва ўт йўллари узунлиги калта бўлиб, жарроҳлик амалиётида қийинчиликга сабаб бўлади.



**2-расм. Ўғил болалар жигарининг ўлчамларини ёшга қараб динамикада ўзгариши**



**3-расм. Қиз болалар жигарининг ўлчамларини ёшга қараб динамикада ўзгариши**

Жигар дарвозаси янги туғилган чақалоқларда жигарнинг орқа қирғоғига яқин жойлашади. Эрта болалик ва биринчи болалик давларида ҳам жигар дарвозасини орқа қирғоқга яқин жойлашганлиги аниқланди. Иккинчи болалик давларига келиб ва ўсмир болаларда жигар дарвозаси ўртада жойлашганлигини кўриш мумкин. Жигар дарвозасининг турига қараб жарроҳ жигар қон томирлари ва ўт йўллари тармоқланиши ҳақида хулоса қилиши мумкин. Қиз болаларда 2 нафар ҳолатларда жигар дарвозасини олдинги қирғоқга яқинроқ жойлашган турларини ҳам учратдик. Жигар дарвозасини топографияси жигарнинг шаклига, унинг ўлчамларига ва одамнинг ёшига боғлиқ равишда ўзгаради. Жигар дарвозасининг топографияси жигар қон томирларининг тармоқланиши, жигарни ичида ўт йўллари шаклланиш ҳолатидан дарак беради. Болаларда жигар дарвозаси жигарнинг висцерал юзасининг ўртасида, ёки олдинги ёки орқа қирғоқга яқинроқ жойлашиши мумкин.

Шундай қилиб болаларда кўп ҳолатларда жигар дарвозасининг ёпиқ турдаги жойлашиши учрайди. Қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан ёпиқ тури кўпроқ учрашини аниқладик. Жигар дарвозасининг орқа қирғоқга яқин жойлашуви жарроҳлик амалиёти учун қийинчилик туғдиради.

Янги туғилган чақалоқларда ўт пуфагининг шакли кўпинча узунчоқ шаклда эканлиги аниқланди. Болаларнинг ёши катталашган сари ўт пуфагининг шакли ҳам ўзгариб борди. 29 та ҳолатда ўт пуфагининг шакли цилиндрсимон, 17 та ҳолатда ноксимон (4-расм), 6 ҳолатда узунчоқ шаклда эканлиги аниқланди.



**4-расм. 7 ёшли Н исмли қиз боланинг ўт пуфагининг кўриниши. Ноксимон шаклдаги ўт пуфаги**

Турли ёшдаги болаларнинг ўт пуфагини корин олдинги деворига проекциясининг турли хил вариантларини кузатдик. Ўт пуфагининг пастки қисмини қорин олд деворига жойлашиши ҳақидаги маълумотларимиз умумий қабул қилинган маълумотларга ва мурда материали бўйича олиб борилган тадқиқотларимизга мос келади.

Умумий ўт йўли турли ёшдаги болаларда жигар ўн икки бармоқли ичак бойламининг ичида жойлашиб, 80% ҳолатларда дарвоза венасидан ўнг томонда ва олдинда жойлашганлиги аниқланди. Умумий жигар йўлининг ҳосил бўлишида 2 тадан 4 тагача йўл иштирок этади. Кузатувларимизнинг барча ҳолатида ўнг жигар йўли, чап жигар йўлига қараганда калтарок эканлиги аниқланди. Умумий жигар ўт йўлининг узунлиги болаликнинг турли ёшида, 4,2 мм эмизикли болаларда ва 39,5 мм гача ўсмирлик даврида, диаметри эса мос равишда 0,95 мм дан 4,93 мм гача ўлчамда эканлигини аниқланди (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

Умумий жигар йўлининг узунлиги ва диаметрининг ёшга қараб ўзгариши, мм

Ёши	Узунлиги		Диаметри	
	Ўғил болалар	Қиз болалар	Ўғил болалар	Қиз болалар
Янги туғилган чақалоқлар (1-10 кун)	4,2±1,2	4,1±0,8	0,95±0,02	0,9±0,02
Эмизикли давр (11 кун-1 ёш)	9,9 ±1,1	9±0,4	1,4±0,09	1,1±0,06
Эрта болалик даври (1 ёш 3 ёш)	19,1 ±1,7*	17,5±0,6	1,5±0,09	1,3±0,3*
Биринчи болалик даври (4 ёш-7 ёш)	24,1 ±1,4	22,3±1,3	1,85±0,5	1,6±0,7*
Иккинчи болалик даври (8 ёш-12 ёш)	29,1±2,2*	26,4±1,6*	2,91 ±0,2*	2,2±1,3
Ўсмирлик даври (13-16 ёш)	39,5±2,7*	32,9±1,1	4,93±1,7*	3,8±0,8

Изоҳ: \* - p<0,05 олдинги даврга нисбатан ишончли

Бизнинг таҳлилларимизга кўра, умумий жигар йўлининг диаметрининг ўсиш темпи кўкрак ёшидаги болаларда 27%, эрта болалик даврида 7 %, биринчи болалик даврида 23%, иккинчи болалик даврида 57% ва ўсмирлик даврида эса 71% ташкил қилди.

Умумий жигар ўт йўлини ҳосил бўлишида биз бир нечта вариантларни кўрдик.


Умумий жигар йўлининг шаклланишини оддий тури. Қиз болаларнинг 47 (71,2%) нафарида ўнг ва чап йўлларнинг қўшилишидан ҳосил бўлди. Бу анатомик вариант ўғил болаларда кўпроқни ташкил қилди, яъни, 79(88,6%) нафарида учради.

Умумий жигар йўлининг тўртта йўл қўшилишидан ҳосил бўладиган варианты. Бу вариант қиз болаларда 12(18,1%) нафарида, ўғил болаларнинг эса 6(6,7%) нафарида ҳолатда кузатилди. Бу вариант кам учрайдиган ҳолат бўлиб, 4 та йўлдан ҳосил бўлади, ўнг жигар бўлагидан чиқувчи олдинги ва орқа тармоғидан, жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи тармоқ ҳамда чап жигар йўлининг қўшилишидан ҳосил бўлган умумий жигар йўли билан изоҳланган. Умумий жигар йўлининг ҳосил бўлишини мураккаб варианты чап жигар йўли, ўнг жигар йўлининг олдинги ва орқа тармоқлари, квадратсимон ва думли бўлакнинг йўлларининг қўшилишидан ҳосил бўлиши аниқланди. Бундай ҳолатлар камроқ кузатилиб, қиз болаларда 7(10,6%) нафар ва ўғил болаларнинг эса 4(4,4 %) нафарида кузатилди.

Умумий жигар йўли чап ва ўнг жигар йўлларининг ўзаро қўшилиш бурчаги турлича бўлиши мумкин (5-6 расмлар). Янги туғилган чақалоқларда ўнг жигар йўли умумий жигар йўлига қуйилиш соҳаси 90 градусни ташкил қилиб қиз болалар ва ўғил болаларда қуйилиш бурчаги фарқ қилмади.




**5-расм. 4 ойлик боланинг жигари. Ўнг ва чап ўт йўлларининг қўшилишидан умумий жигар йўли ҳосил бўлиши.**



**6-расм. Чап жигар ўт йўлининг ҳосил бўлиши.**

Чап жигар йўли эса 70 градус бурчак остида қуйилади. Болаликнинг кейинги даврларида ўнг жигар йўлининг қуйилиши ўғил болаларда аста секин 60-70 градусни ташкил қилди. Қиз болаларда эса 70-80 градус эканлиги аниқланди. Чап жигар йўли эса 60-70 градус бурчак остида қуйилиши аниқланди. Олинган бу хулосаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, чап жигар йўли ўт суюқлигини фақатгина чап бўлақдан, квадратсимон ва думли бўлақдангина хайдаб қолмай жигарнинг ўнг бўлагидан ҳам хайдайди. Жигарнинг бундай анатомик тузилишини жигарнинг чап бўлагини резекция қилаётган пайтда инобатга олиш керак. Юқорида келтирилган маълумотлар жигарда ўтказилаётган жарроҳлик амалиётида оғир асоратлар келиб чиқишини олдини олади.

Чап жигар йўли кўпгина ҳолатларда жигарнинг чап бўйлама эгатида жойлашади, баъзан эса жигарнинг чап бўлагининг паренхимасида жойлашиши, кам ҳолатларда эса кўндаланг эгатнинг ўрта қисмида, тахминан умумий жигар йўли бошланган соҳа билан чап бўйлама эгатнинг ўрта соҳасига жойлашишини ҳам учратиш мумкин. Чап жигар ўт йўли иккита сегментдан СII ва СIII чиқаётган йўллар қўшилишидан ҳосил бўлади. Чап жигар йўлини шаклланишида сегментар СII ва СIII йўллардан ташқари жигарнинг квадратсимон ва думли бўлагидан чиқувчи йўллар ҳам иштирок этади (7-расм).



**7-расм. Умумий жигар ўт йўлининг ҳосил бўлиши.**

Чап жигар йўлининг шаклланишида иштирок этувчи иккита асосий йўлнинг биттаси 3 тадан 9 тагача ўт йўлларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Чап жигар йўлининг узунлиги янги

туғилган чақалоқларда ўртача 1,34 ммдан ўсмир ёшидаги болаларда 59,5 ммгача, диаметри эса 0,7 мм дан янги туғилган чақалоқларда, ўсмир болаларда 4,6 мм гача эканлиги аниқланди. Чап жигар ўт йўли кузатувларимизнинг 15,7% ҳолатида 2 та ўт йўлининг қўшилишидан ҳосил бўлади. 85,6% ҳолатда чап жигар ўт йўлига жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи ўт йўли қўйилиши аниқланди. 89,2% ҳолатда эса чап жигар йўлига думли бўлак ўт йўли ҳам қўйилиш ҳолатлари аниқланди. Шундай қилиб чап жигар ўт йўлининг шаклланишида асосий 2 та сегментдан чиқувчи йўллардан ташқари, жигарнинг квадратсимон ва думли бўлақдан чиқувчи ўт йўллари ҳам қўшилишидан ҳосил бўлади.

Ўнг жигар ўт йўли жигар дарвозасидан ўнг томонда олдинги ва орқа ўт йўлларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ўнг жигар ўт йўли ўнг медиал сегмент ва ўнг латерал сегментларнинг қўшилишидан шаклланади. Бизнинг кузатувларимизнинг 20,5% ҳолатда ўнг жигар йўли шаклланмаган бўлиб, унинг ирмоқлари 1 та ҳолатда умумий ўт йўлига, 3 та ҳолатда чап жигар йўлига ва 3 та ҳолатда умумий жигар йўлига қўйилишини кузатдик. Ўнг жигар йўлининг шаклланмаган ҳолати бизнинг кузатувларимизда асосан қиз болаларда кўпроқ учради. Ўрганилган ҳолатларнинг 82,3% ҳолатларда ўнг жигар йўли ўнг медиал соҳа ўт йўллари (CV ва CVIII сегментлари ўт йўллари) ва ўнг ён соҳа (CVI ва CVII сегментлари ўт йўллари) йўлидан шаклланиши, 15,3% ҳолатларда ўнг ўт йўли бўлмаслиги аниқланди.

Ўнг жигар ўт йўли жигар дарвозасидан ўнг томонда олдинги ва орқа ўт йўлларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ўнг жигар ўт йўли ўнг медиал сегмент ва ўнг латерал сегментлар ўт йўлининг қўшилишидан шаклланади. Ўнг жигар йўли мавжуд бўлмаган ҳолатларда бу йўлга қўйилган ўт йўллари 65,9% ҳолатда умумий ўт йўлига, қолган ҳолатларда эса чап ўт йўлига қўйилиши кузатилди. Ўнг жигар ўт йўлининг орқа тармоғи ўнг ён соҳадан ўт суюқлигини йиғади. Бу ўт йўли CVI ва CVII сегментлари ўт йўлларидан ҳосил бўлади. Ўнг жигар ўт йўлининг олдинги тармоғи эса CV ва CVIII сегментлардан чиқувчи ўт йўлларининг қўшилишидан шаклланади. Бу ўт йўлларининг ҳосил бўлишида 2 тадан 4 тагача ўт йўллари иштирок этади. Фақатгина 12 нафар ҳолатларда ўнг жигар йўли шаклланишида 3 та тармоқ иштирок этганлиги аниқланди. Чап ва ўнг жигар йўлларининг узунлиги солиштирилганда кўп ҳолатларда чап жигар йўли узунроқ эканлиги аниқланди. Лекин бу иккита йўлнинг диаметрлари бир-биридан унчалик фарқ қилмади. Ўнг жигар йўли ўткир бурчак остида қўйилиши кузатилди. Бу эса ўт суюқлигини димланмасдан ўт йўллардан чиқишига яхши шароит яратади. Ўнг жигар йўлининг узунлиги янги туғилган болаларда 2,5 мм га тенг бўлди. Бу йўлнинг диаметри эса янги туғилган болаларда 0,5 мм ни ташкил қилди. Ўсмир ёшига келиб ўнг ўт йўлининг узунлиги 48 мм га, диаметри эса 5,3 мм гача катталашганлиги аниқланди.

Жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи ўт йўли чап медиал сегментдан яъни IV сегментдан чиқувчи ўт йўли бўлиб ҳисобланади. Жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи ўт йўли битта ўт йўли, баъзи ҳолатларда эса 2 та ўт йўлининг қўшилишидан ҳосил бўлди. Кузатувларимиз 82% ҳолатда жигарнинг квадратсимон бўлагидан ягона йирик йўл чиқишини кўрсатди. Кўп ҳолларда кузатувларимизнинг 72,3% ҳолатида жигарнинг квадрат бўлагидан чиқувчи битта ёки бир нечта ўт йўллари чап ўт йўлига қўйилади. Бу бўлақдан чиқувчи йўллар чап жигар йўлининг ҳосил бўлишидан умумий ўт йўлига қўшилган жойигача қўйилиши мумкин. Кузатувларимизнинг 12,6% ҳолатларида жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи бир ёки бир нечта ўт йўлининг CIII сегментига, яъни олдинги латерал сегментга тўғридан-тўғри қўйилиши аниқланди. Камроқ ҳолатларда, яъни кузатувларимизнинг 7,3% ҳолатларида жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи бир нечта ўт йўлларининг бевосита тўғридан- тўғри умумий ўт йўлига қўйилиши кузатилди. Жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи йўллар бир нечта бўлган пайтда, улар (3,9% ҳолатда) чап жигар ўт йўлига ва чап латерал ўт йўлига қўйилиши кузатилди. Фақатгина 1 ҳолатда биз битта квадратсимон бўлақдан чиққан 1 та ўт йўли тўғридан-тўғри умумий жигар йўлини ҳосил қилишда иштирок этишини аниқладик. Бизни эътиборимизни тортган ҳолат, жигарнинг квадратсимон бўлагидан чиқувчи ўт йўлининг чап латерал сегментга қўйилиши кузатилди. Бу ҳолат жигарда резекциялар ўтказилаётган пайтда асоратларни олиш мақсадида эътиборга олиниши шарт деб



3. Дронов А.Ф. Лапароскопия в диагностике у новорожденных и грудных детей и их лечении / Дронов А.Ф., Холостова В.В. // Эндоскоп. хир. –2004. - №6. – С. 35 – 38.
4. Ефременков А.М. Вариантная анатомия печени и желчевыводящих путей у новорожденных и грудных детей /Ефременков А.М., Игнатъев Е.М., Свиридов А.А. //Евразийский Союз Ученых .-2015.-№ 5 (14). – С. 30 – 31.
5. Орехов В. Ф. Чреспеченочные эндобилиарные вмешательства при механической желтухе // Международный журнал интервенционной кардиоангиологии. – 2004. – № 5. – С. 57–60.
6. Машарипова Х.К., Ахмедова С.М. Особенности образования общего печеночного протока у детей в постнатальном онтогенезе // Журнал: Вестник Ташкентской медицинской академии – Ташкент, 2020. №5 – С.79-81.
7. Машарипова Х.К., Машарипов С.М., Ахмедова С.М., Усмонов Р.Ж., Машарипов А.С. Anatomical Structure of Childrens Liver in Different Age //American journal of Medicine and Medical Sciences–America, 2021. 11 (5): P. 426-433. DOI:10.5923/j.ajmms.20211105.15.
8. Otte J.B., Reding R., de Ville de Goyet J. et al.Experience with living related liver transplantation in children. Acta Gastroenterol Belg 1999; 62: 355—362.
9. Should open Kasai portoenterostomy be performed for biliary atresia in the era of laparoscopy / Wong K.K., Chung P.H., Chan K.L. et al. // Pediatr. Surg. Int. – 2008. – №24. – P. 931 – 933.
10. Tajiri T., Yoshida H., Mamada Y., Taniai N., Yokomuro S., Mizuguchi Y. Diagnosis and initial management of cholangiocarcinoma with obstructive jaundice // World j. gastroenterol. – 2008. – May 21. № 14 (19). – P. 3000–3005.
11. Absence of the ductus venosus [Text] / U. Sothinathan [et al.] // Acta Pediatr. - 2006, May. - 95(5). - P. 620 - 621
12. Strazzabosco, M. Pathophysiology of cholangiopathies [Text] / M. Strazzabosco, L. Fabris, C. Spirli // J. Clin. Gastroenterol. - 2005, Apr. - 39 (Suppl. 2).-P. 90- 102. Review.
13. Nonvascular complications in pediatric liver recipients: multidetector computed tomography evaluation [Text] / N. Tutar [et al.] // Transplant. Proc. - 2006, Mar.-38(2).-P. 607-610.
14. Uflacker, R. Angiographic findings in biliary atresia [Text] / R. Uflacker, D. M. Pariente // Cardiovasc. Intervent. Radiol. - 2004, Sep-Oct. - 27(5). - P. 486 - 490.
15. Expression of osteopontin correlates with portal biliary proliferation and fibrosis in biliary atresia [Text] / P. F. Whittington [et al.] // Pediatr. Res. - 2005, Jun. -57(6).-P. 837-844.
16. Sonographic measurements of normal gallbladder sizes in children [Text] / J. H. Yoo [et al.] // J. Clin. Ultrasound. - 2003. - 31 (2). - P. 80 - 84.